

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 9 (10.062)

2004 йил 14 январь

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!
Қадрли офицер ва генераллар, муҳта-
рам фахрийлар!

Авваламбор, сизларнинг барчангизни
бугунги кутлуг айём — бутун халқимиз кўта-
риники руҳ билан нишонлаётган Ватан ҳимо-
ячилари куни, Ўзбекистон Қуроли Кучла-
рининг 12 йиллик байрағи билан чин қал-
бимдан табриклаш менга катта мамнуни-
ят баҳш этди.

Ҳар қайси миллат ва халқ учун муқад-
дас саждагоҳ бўлмиш она Ватанини қадр-
лаш, унинг эркинлиги ва озодлигини ҳимо-
ялаш, бу йўлда, керак бўлса, жон фидо
қилиш — шу юртнинг жасур ўғлонлари, ўзи-
ни эр йигит деб биладиган инсонлар учун
қадим-қадимдан ор-номус ва мардлик бел-
гиси бўлиб келган.

Кўҳна ва шонли тарихимиздан яхши би-
ламизки, халқимиз мана шундай фидоий-
лик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатган
фарзадларини ҳамиша юксак қадрлаган,
уларнинг жасорати ва садоқатини қўшқ
ва достонларда тараннум этган.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда,
узок ва яқин атрофимизда тобора кучайиб
бораётган таҳдид ва хатарларни, бутун
инсониятга катта хавф солаётган халқаро
терроризм балосини инобатга оладиган
бўлсак, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлит-
лигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъ-
минлашга қодир бўлган миллий армиямизни
барпо этиш, уни ҳар томонлама замона-
вий талабларга жавоб берадиган Қуроли
Кучларга айлантириш ҳозирги кунда энг
долзарб ва устувор давлат вазифаси бўлиб
қолмоқда.

Биз бугун Қуроли Кучларимизнинг 12
йиллик байрамини нишонлар эканмиз,
яъни, профессионал замонавий армияни
барпо этиш мақсадида кейинги йилларда
амалга оширган ишларимизни сарҳисоб
қилиб, бу йўлда қўйган қадамларимиздан
мамнун бўлишга албатта ҳақликимиз.

Миллий армиямизнинг келажаги ҳақида
гапирганда, авваламбор юртимизнинг жу-
рофий ва геосийсий шариоитини, минтақа-
миздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг
ўзига хослигини, мамлакатимизга таҳдид
солиши мумкин бўлган хавф-хатарларни
аниқ англаган ҳолда, тезкор ва илҳам,
замонавий қурол-аслаҳа ва техника восита-
лари билан таъминланган, юксак маҳорат
ва жанговар руҳга эга бўлган Қуроли Куч-

ларни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Шу борада бошланган ислохотларни из-
чил давом эттириш ва охирига етказиш,
жумладан, жанговар низомиларни, норма-
тив тартиб ва қоидаларни янада такомил-
лаштириш, қўшин турларининг фаолияти-
ни мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳам-
корлигини ошириш, кичик офицерларни
тайёрлайдиган ҳарбий билим юртларининг
моддий-техника базасини мустаҳкамлаш
масалаларига, айниқса, армиямизнинг ўза-
ги бўлган сержантлар мактабларининг
тўлиқ шаклланишига алоҳида эътибор
қаратишимиз зарур.

Энг асосийси, ҳозирги пайтда армия са-
фарларида хизмат қилиши ҳар қайси йигит учун
унинг зиммасига юкланган мажбуриятни
бажаришига эмас, балки барчанинг ҳава-
сини тортадиган шариотда давлат хизма-
тида бўлиб, эл-юрт олдидаги гўят мурак-
каб, шу билан бирга, ўта масъулиятли ва-
зифани адо этишга, ватанпарварлик, мард-
лик мактабини ўташдек шарафли ишга
айланиши даркор.

Бу соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, арми-
ямизнинг таркиб ва бошқарув жиҳатидан
янгилаш негизда ташкил этилаётгани, му-
датли ҳарбий хизматнинг 12 ой этиб бел-
гилангани, яъни — сафарбарлик-қақирув
резерв хизматининг жорий қилингани, ҳар-
бий қисмларнинг моддий базаси, хизмат-
чиларнинг эса таъминоти ва маошлари
оширилгани ҳам ана шу йўлда мустаҳкам
пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Жанговар тайёргарликнинг интеллекту-
ал даражасини юксалтириш, уни илгор
усул-усулбар, моделлаштириш, компью-
тер ва информатсион технологиялар, замона-
вий фан ютуқлари асосида ташкил этиш
йўлида олиб бораётган ҳаракатларимиз,
бир томондан, ҳарбий хизматни ўзи учун
касб деб танлаган инсонларнинг ақл-за-
ковати ва маҳоратини оширишни тақозо
этмоқда, иккинчидан, бутун ҳарбий хизмат-
ни ўташга ҳозирлик қўраётган ёшларимиз
олдига яъни, юксак талаблар қўймоқда.

Шу билан бирга, биз Қуроли Кучлари-
мизнинг халқаро алоқаларини, НАТО ва Ев-
роатлантик ҳамкорлик уюшмаси каби хал-

қаро ташкилотлар, турли давлатлар билан
муносабатларини ривожлантириш, жумла-
дан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури
доирасида ўтказилаётган ўқув машғулот-
ларининг самарадорлигини янги босқичга
кўтариш — ҳаётий зарурат эканини ҳам
унutmаслигимиз лозим.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан
яна бири — ҳарбийларимизнинг хизмат ва
яшаш шариотини янада яхшилаш, эски
маънодаги казарма деган тушунчадан бу-
тунлай воз кечиб, аскар, сержант ва офи-
церларимизни ривожланган давлатлар ар-
мияларидаги каби барча қулайликларга эга
бўлган замонавий турар жойлар билан таъ-
минлаш, уларнинг оила аъзолари ва фар-
зандлари учун муносиб шариот яратиб бе-
риш ҳам доимий эътиборимиз марказида
бўлмоғи керак.

Бир сўз билан айтганда, биз халқимиз-
нинг асрий орсуси бўлмиш мустақиллиги-
мизни, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳар қан-
дай хавф-хатарлардан, бало-қазолардан
асраш ва ҳимоялаш мақсадини ўз олдимиз-
га қўяр эканмиз, бунинг учун аввало бугун-
ги кун талабларига жавоб берадиган мил-
лий армияни барпо этишимиз, унинг сало-
ҳияти ва маҳоратини оширишимиз зарур-
лигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқ-
да. Бу кенг маъноли, теран ҳақиқатни бар-
чамиз яхши англаб, тушуниб олишимиз
даркор.

Сиздек мард ва доворак фарзадларим-
из Ватанимизнинг тақдири, халқимизнинг
бугуни ва келажагини, оналаримиз ҳало-
ватини, аёлларимиз, опа-сингилларимиз
шаънини, болаларимизнинг қувноқ овози-
ни, мусофабо осмонимизни сақлаш учун
Оллоҳ таолонинг ўзи ато этган фазилат-
ларни, белингизда, билагингизда бўлган
куч-қувватни тўла сафарбар этасиз, деб
ишонаман.

Сизларни бугунги кутлуг шодиёна би-
лан яна бир бор муборақбод этар экан-
ман, ҳар бирингизни бағримга босиб,
барчангизга сизат-саломатлик, куч-ғай-
рат, жанговар фаолиятингизда муваффа-
қиятлар, шахсий ҳаётингизда бахт ва
омадлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондон

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ — ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

Юртимизда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон
Республикаси Қуроли Кучлари ташкил топганининг ўн
икки йиллиги кенг нишонланмоқда.

13 январь куни пойтахтимиз-
даги «Туркистон» саройига Қу-
роли Кучларимиз вакиллари,
меҳнат ҳамда армиямиз фахрий-
лари, олий ҳарбий ўқув юртла-
рининг курсантлари, шаҳар жа-
моатчилиги вакиллари ташриф
буурди. Бу ерда Ватан ҳимоя-
чилари куни ва Ўзбекистон Рес-
публикаси Қуроли Кучлари-
нинг ўн икки йиллигига бағиш-
ланган тантанали йиғилиш
бўлди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Шоабдурахмонов очди.
Ўзбекистон Республикаси
Президенти, Қуроли Кучлар
Олий Бош Қўмондон Ислам
Каримовнинг Ватан ҳимоячила-

рига байрам табригини Прези-
дентнинг Давлат маслаҳатчиси
Х.Султонов ўқиб эшиттирди.
Мудофаа вазири Қ.Ғуломов
маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимиз
Президенти Ислам Каримов бо-
шқа тармоқлар қаторида ҳарбий
соҳани ҳам ривожлантиришга
алоҳида эътибор қўрсатаётгани,
замон талаби ва халқаро андо-
заларга жавоб берадиган Қуро-
ли Кучларимиз ташкил топгани,
миллий армиямиз — мустақил-
лигимизнинг, тинч ва осойишта
ҳаётимизнинг мустаҳкам қафола-
ти экани таъкидланди.

Давоми 2-бетда.

Давоми 3-бетда.

XXVI саҳоси

Барча мамлакатлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Бекободда ўтказилган
Қора ва рангли металллар
парчалари ва чиқиндиларини
тайёрлаш ҳамда қайта иш-
лашга топширишни назорат
қилиш ва мувофиқлаштириш
бўйича Республика комиссия-
сининг йиғилишида «Ўзмет-
комбинат» акциядорлик иш-
лаб чиқариш бирлашмаси
жамоасининг ўтган йили
эришган ютуқлари ҳусусида
сўз борди.

• Қашқадарё вилоят
хокимлигида Коммунал хиз-
мат, қурилиш ва коммуна-
ция масалаларига алоқадор
вазирлик, корхона ва ташки-
лотлар раҳбарлари иштиро-
кида йиғилиш бўлиб ўтди.

• Республика «Маҳалла»
жамғармаси вакиллари гу-
руҳи Бекобод тумани маҳал-
лаларида бўлиб, амалга оши-
рилаётган ишлар билан та-
нишишди, учрашувлар чоғи-
да Меҳр ва мурувват йилида
бажариш кўзда тутилган тад-
бирлар муҳокама қилинди.

Жаҳонда

• Хар иккала мамлакатлар
Президентлари имзолаган
битимга мувофиқ Россия Фе-
дерацияси Козогистонда жой-
лашган Бойкўнгир космодро-
мидан 2050 йилгача фойда-
ланиш ҳуқуқига эга бўлди.

• Москва шаҳар суди 1998
йил сентябрида Москва ва
Волгодонскда рўй берган
портлаш ташкилотчиси си-
фатида айбланаётган Декку-
шев ва Кримишамхаловни умр-
бод озодлиқдан маҳрум
этиш ҳазосига лойиқ деб топ-
ди.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИДАН

2004 йил 13 январь куни
соат 19.27 да Тошкент шаҳри
аэропорти ҳудудида Термиз-
Тошкент йўналиши бўйича
11-54 рейсنى бажараётган
ЯК-40 самолёти қўниш чоғи-
да ҳалокатга учради.

Ҳалокат оқибатида 32
йўловчи ва 5 нафар экипаж
аъзоси ҳалок бўлди. Воқеа
содир бўлган жойда авария-
қутқарув хизматлари иш олиб
бормоқда. Ҳалок бўлганлар-
нинг тўлиқ рўйхати матбуот-
да эълон қилинади.

Ташкил этилган ҳукумат
комиссияси ҳалокат сабаблари-
ни аниқлашга киришди.

Мамлакатимиз раҳбарияти
ҳалок бўлганларнинг оила
аъзолари ва яқинларига чуқур
ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ватан ҳимоячилари куни муносабати
билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органла-
ри, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи
кўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазият-
лар вазириликлари ходимларидан бир
гuruhини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадлари-
миз дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни ватан-
парварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини
мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги
самарали фаолияти учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республика-
сида хизмат кўрсатган
ёшлар мурабийси»

Эргашев Фанишер Эрматович
- Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни
ҳарбий касбга йўналтирувчи Респу-
блика лицейининг директор ўринбо-
сари

Леонтьева Валентина Алек-
сандровна - Тошкент Олий умум-
қўшин командирлари билим юрти-
нинг катта ўқитувчиси

Рахимов Эркин Мухаммаджо-
вич - Миллий хавфсизлик хизмати
ходими

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқуллодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

Мирзаев Тохир Қамбарович - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси

Мухаммадиев Урол Лафасович - Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари - тергов бошқармаси бошлиги

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Зайнуллина Раиса Зарифовна - Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси тиббиёт бўлими поликлиникаси шифокори

Қаршибоев Фахриддин Жумакулович - Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлими бошлиги

Мухамедов Хуснуддин Зухурович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Гулзоров Юнус Алиевич - Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юрти ашула ва рақс ансамбли бошлиги

Республикада Кўроллик Кўларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий мафратларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Авезов Незмат Ҳабибуллаевич - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Омонбоев Алишер Тўраевич - Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиги

Бурнонов Аҳмад Жамолевич - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг эскадрильяси командири

Жўраев Жаҳонгир Фазлиддинович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони бошлиги

Носиров Аҳад Ҳамзиевич - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Раҳимов Уткир Азимович - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Собилов Алижон Қўчқорович - Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Чибратов Евгений Михайлович - Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми командири

Ғоипов Ойбек Нозимович - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати взводи назоратчиси

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Ақчурун Ринат Анварович - «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши авиация спорти бўлими бошлигининг ўринбосари

Имомқориев Маҳмуджон Аъзамович - Давлат фельдшерлик хизмати бошлигининг ўринбосари

Коваленко Павлина Васильевна - Давлат божхона қўмитаси молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиги

Нисёзов Шухрат Нисёзович - Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти бошлиги

Усмонов Ҳошим Ҳамидович - Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали бошлиги

Юнусов Мирҳалил Юсупович - Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги Фўқаро муҳофазаси институтининг кафедра бошлиги

Қаландаров Эркинбой Отамуродович - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командири

«Дўстлик» ордени билан

Бекиров Ромон Дилверович - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

Гайнулдин Урол Зуфарович - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бўлими бошлиги

Имомов Абдуҳамид Аҳмадалиевич - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ - ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлашга, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш - буюк келажагимизни барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири экани қайд этилди.

Йигитларимиз учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз Конституциявий бурчини адо этишдангина иборат бўлиб қолмасдан, нуфузли ва шарафли ишга айланмоқда.

Қуролли Кучларимизнинг шахсий таркиби мустақил Ўзбекистонимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашдек шарафли вазифани адо этиш йўлида бутун куч-ғайратини, маҳоратини аямайди, ҳамиша сергак туради, деб таъкидланди.

Йигилишда сўзга чиққан Ўзбекистон

Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Тўйчиева Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 январдаги Фармонида мувофиқ мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита, Мудофаа ва Фақуллода вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари, ордени ва медаллари билан тақдирланди. Йигилишда ана шу мукофотлар тантанали вазиятда топширилди.

Ватан ҳимоячилари кўни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган Ўзбеки-

стон Республикаси Қуролли Кучларининг «Энг яхши сержант», «Энг яхши жанговар гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши батальон командири» номинациялари бўйича танлов байрам арасида якунланди. Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар, Миллий хавфсизлик хизматининг қисм ва қўшилмаларида, ҳарбий округларда бошқичма-бошқич амалга оширилган танловда 68 нафар ғолиб аниқланди. Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғаларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бошлиғи, генерал-майор И.Эргашев топширди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан катта лейтенант О.Қосимов ва сержант У.Ширинов ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун мамлакатимиз Президентига миннатдорчилик билдирди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

ЎЗА

ВАТАНПАРВАРЛАР ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларига жисмонан бақувват, маънан етук, бошланғич ҳарбий тайёргарликка эга бўлган Ватан ҳимоячиларини етказиб беришда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг муносиб ҳиссаси бор. Аънанавий тарзда ҳар йили ўтказиладиган оммавий-ватанпарварлик олимпиадасида ушбу ташкилотнинг Тошкент шаҳар Кенгаши ва 11 та туман кенгашларида қатор учрашувлар, давра суҳбатлари, ҳарбий қисмларга экскурсиялар, қизилар спорт мусобақалари ўтказилди.

— Мақсадимиз мард, жасур, спортда чиниққан, ҳар томонлама соғлом йигитларни тарбиялаш, — дейди Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Назриддин Ризаметов. — Токи изчил ишлорлар олиб бориладиган Қуролли кучларимизда ишончли, садоқатли посбонлар хизмат қилсин. Бу борада ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, техника мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимларни тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил қилиш каби вазифаларни оғишмай амалга ошириб келялмиш.

Мана, бир ой давомида Оммавий-ватанпарварлик олимпиадасида ўтказилиши учун Кенгаш ўз иш режасини ишлаб чиқиб, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармаларининг Тошкент шаҳар бўлими, «Қамолот» ЕИХнинг Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази, шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда шаҳар спорт қўмитаси билан ҳамкорликда қатор тадбирларни ўтказди.

Улардан Тошкент бирлашган техника мактаби картодромда 7 та команда иштирокида бўлиб ўтган спорт мусобақаси, 41 ва 59-ўрта мактабларнинг юкори синф ўқувчилари ўртасида ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақа 24 ва 236-ўрта таълим мактабларда меҳнат ва уруш фахрийлари билан учрашув ва спорт техникалари кўргазмаси, 128-мактабдаги «Ўзбекистон Қуролли Кучлари» мавзусидаги давра суҳбати, «Қозиробод», «Новза», «З-Чарх Қамолон» маҳаллаларида бўлиб ўтган мусобақалар иштирокчилар хотирасида узок вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

Асосий фаолиятимиз бугунги кунда республикамиз Қуролли Кучларида ишлорларни амалга оширишга, эртанги юрт ҳимоячиларини маънавий-ахлоқий, ҳарбий техник жиҳатдан етук, ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялашга қаратилган.

2003 йил мев учун жуда қадрли, муваффақиятларга бой йил бўлди. Энг асосийси ҳукуматимиз томонидан юксак мукофот — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси унвони билан тақдирланди. Бу эса кучимга куч қўшиди, она юртимга садоқатим юз қарра ошди десам асло муболага бўлмайд.

Имкониятдан фойдаланиб барча-барчани — улуг аёйём Ватан ҳимоячилари кўни билан муворакбод этаман. Ҳамиша элу-юрт фидойиси бўлиб, ениб яшаб юриш барчамизни тарк этмасин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ПОЙТАХТ ОАВЛАРИ МУҲОКАМАДА

Республика Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитасида «Ахборот эркинлиги принциплари ва кәфолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокама этилди.

Тошкент шаҳри Матбуот ва ахборот бошқармасида 43 та газета, 31 та журнал, «Тошкент» телеканали, «Тошкент», «Пойтахт» ва бошқа радиоканаллар рўйхатга олинган. Газеталарнинг 24 таси давлат, 15 таси нодавлат, 4 таси хусусий нашрлар ҳисобланади. Шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳафтада беш марта чоп этилмоқда. Уларнинг бир марталиқ тиражи 12 минг нусхадан ошди. Газета таҳририятлари фаолияти учун етарли шароит яратилган. Радиоканаллар замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган. Теле ва радиоканалларда матбуотда мансабдор шахсларнинг аҳоли билан жонли мулоқотлари мунтазам бериб борилади. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида ҳар ойда ёритиладиган «Хатлар - ҳаёт ойнаси» қўш саҳифасида танқидий чиқишлар юзасидан қандай амалий чоралар қўрилгани хабар қилинади. Шаҳар оммавий ахборот воситаларида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган рўнқлар бор. Жумладан, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси муассислигидаги «Огоҳ» газетасининг деярли ҳар бир сониде суд очерклари, ҳуқуқшуносларнинг чиқишлари, «Тошкент оқшомида» ва «Ҳуқуқий маслаҳатхона» руқни остида мақолалар ёритилиб бориладиган.

Шунингдек, йигилишда барча мақола ва эшиттиришларнинг савиясини юкори даражада деб бўлмаслиги, баъзи тармок газеталарининг тиражи 200-300 нусхани ташкил этиши таъкидланди. Гарчанд «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида ёш кадрлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган бўлсада, бир қатор тармок газеталарида ёшлар кам. Бошқа жойларда бўлганидек, Тошкент шаҳрида ҳам матбуотни тарқатиш ва почта ҳақи қимматлашиб кетган, бу эса газета ва журналлар таннариши ошиб, тираж камайишига олиб келади.

«Туркистон-пресс»

Бурга садоқат

Подполковник Қаҳрамон Наҳшибандиев командирлик қилаётган қисмда ёш аскарларнинг, янги Қонун асосида муддатли ҳарбий хизматга олинган энг сара йигитларнинг ҳарбий қасамд қабул қилиш тантанасини кузатиб туриб, ана шу байрамона руҳни дарҳол илғаш мумкин. Аскарларни табриклаш учун, фарзандларига эгзу тилақлар билдириш учун сўзга чиқаман, деганларнинг саноғи йўқ.

Даставвал қисм командири ёш аскарлар-

ни бу шодиёна билан қўлаб, ҳарбий қасамд моҳиятига тўхталди. Янгилаш-иб келаётган янги ўқув мавсумида юксак натижаларни қўлга кири-тишга уларни даъват этди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий-ҳаво кучлари қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник А.Абдуллажонов, Республика «Нуроний» жамғармаси вакили М.Ҳайдаров, «Нийёзов» маҳалласи оқсоқоли А.Мирзамуродовларнинг табриклари, даъватлари аскарларни «Ватан посбони» деган улугвор номдан фахрланишга ундагани аниқ.

Аскар оналари номидан сўзга чиққан А.Симоняннинг, аскар отаси Д.Шакаровнинг, посбон бобоси У.Исмоиловларнинг тилақлари эса ўғлонларни Ватан, ота-она олдидеги улкан бурчни унутмасликка, билдирилаётган ишончли шараф билан оқлашга даъват этди. Ҳарбий қасамд қабул қилган посбонлар номидан сўзга чиққан Ж.Умрзоқов, О.Каримов каби олдий аскарларнинг ҳаяжонли каломларидан билиш мумкинки, улар ўзбек посбони номига доғ туширишмайди.

Убайдулла ота Исмоилов невараси Мирзамасмудини табриклаш учун келган.

— Ҳарбий либосда кўриб, танимабман. Бақувватроғи бизнинг неваре, десам, командирлари «ота, буларнинг ичиде нимжонни йўқ», дейди. Ҳақиқатан шундай — жуда норғу, ўқтам йигитлар экан. Уларни энг сара йигитлар дегим келади. Ахир, посбон бўлишга қўплаб даъвогарлар ичидан уларни танлов асосида олишган-да. Болам, мана кейинги пайта «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонуннинг қабул қилиниши, ана кўни кеча муддатли ҳарбий хизматдаги посбонларимизга қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги қарорнинг

кучга кириши армиямиз обрўси, нуфузини оширмоқда. Бундай эгзу ишлардан хурсанд бўлиб қўлимиз доим дуода, — дейди жумладан у.

Дийдорлашув онларини кузатиб, аскарлар ота ва оналарининг ҳам фикрлари билан қизиқдик.

— Улугбек исмли ўғлим эфисер. У билан фахрланаман. Ҳарбий либосда уйга борганда маҳалла-қўй олдида гурурланиб юраман.

ЮРТ ПОСБОНИ — ФАХРЛИ НОМ

Ҳарбий қасамд қабул қилиш тантанаси бошланишига икки соатча вақт бор. Шундай бўлса-да, қисм назорат-ўтиш жойи атрофи ота-оналар билан гавжум. Четдан кузатган одам «бугун катта бир байрам бўла-япти, шекилли» дея ўйлаши аниқ. Нафисламбирини айтганда, мазкур тантанани улкан бир байрамга тенгаштириш мумкин. Яъни, бу ўғлоннинг юрти, халқи, Президентига садоқатдан онт ичишига бағишланган байрами. Унга Ватанининг асл ҳимоячиси сифатида оқ фотиҳа бериладиган байрам.

— дейди аскар отаси Баҳодир Ҳакимов.

— Вазирлар Маҳкамасининг кўни кеча эълон қилинган қароридан она сифатида руҳландим. Ватанини, онани ҳимоя қилувчи ўғлонга шундай имтиёзлар яратилаётганидан қувонмай бўларканми. Ҳарбий қисмга келиб эса аскарларимизга яратилаётган моддий, мансий шароитлар, қўлайликлари кўриб, яна шодландим. Аскар болам Шухратжонга айтдим: «Ўғлим, Ватан билдираётган юксак ишончли оқла, юртининг асл посбони бўл», деб, — дейди Ҳалима Суямова.

Пировардида ёш аскарлар йиғини бош-лағи, подполковник Шухрат Ибрагимов билан қисқача суҳбатлашдик.

— Биласизми, олдинги йиғинларда савоматлиги нолойиқлар учурарди, хизматдан бўйин товлаш ҳоллари бўларди. Янги қонун асосида сафларни тўлдирган бу йигитларнинг бариде армияда хизмат қилишга интилиш юксак. Бундан ташқари, уларнинг дунёқароши кенг, интеллектуал даражаси юкори. Йиғин давомида ёш аскарлар майор Р.Дадажонов, капитан О.Умаров, лейтенантлар Д.Ортиқов, К.Қиличевлардан, катта сержант Б.Ҳамдамов, кичик сержант К.Қутибоевлардан ҳарбий соҳа илмидан илк сабоқлар олишиб, кўникмалар ҳосил қилишди. Ишонч билан айта оламанки, юртининг бу сара ўғлонлари ўз бурчларини садоқат билан ўташади.

Алижон САФАРОВ,
капитан

Даставвал шуни таъкидлаш жоизки, бу Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топди, яъни унда энг олий қадрият сифатида давлат ва ижтимоий тизим эмас, балки инсон ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилди.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати фақатгина муомала ләёқатида эга бўлган шахсларгагина тааллуқлими? Аксарият айнан шундай ҳолатлар назарда тутилади, бироқ бола ҳуқуқлари эътибордан четда қолади. Ахир инсон ҳуқуқларининг дебочаси бола ҳуқуқлари кафолатлари эмасми?! Ота-онанинг шундай ҳақлари борки, фарзанд уни адо этишдан бўйин товласа, айбдор бўлиб қолиши мумкин. Шунингдек, фарзанднинг ҳам муайян ҳақлари мавжудки, бу ҳақ-ҳуқуқлари ўз вақтида кечиктирмай ота-она ҳам ўйлаши жоиздир.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандига ҷиройли исм қўйиши, унга таълим-тарбия бериши ва мустақил ҳаёт сари илк оидмларини ташлашга таянч бўлиши, яъни уни ўйлантириш жоиздир. Боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камол топиши учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарур. Ота-она ўз фарзанди, унинг порлоқ келажаги, ҳаёт йўлининг янада ёрқин бўлиши учун масъул шахслардир. Бола-

нинг ички ҳаётига, болалари тарбиясига ўзбошим-чалик билан бошқаларнинг аралашishiга нафақат ота-она балки, қонун ҳам йўл қўймайди. Бинобарин, ота-она ҳам фарзанди тарбиясига салбий таъсир ўтказса, унинг ҳуқуқларини қамситса, қонун йўли билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади, ҳуқуқлари чеклаб қўйилади. Бола жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёр бўлгунча қадар ота-онага уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш вазифаси юклаб қўйилган. Кела-жақ авлод ҳақида қай-ғуриш, соғлом насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бола тутилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди, камол топади, ҳаёт мактабини ўтайдди. Демак, оиллага хос анъаналар, урф-одат, қадриятлар бола зуваласини шакллантиради.

Болалар ҳуқуқи — инсон ҳуқуқларининг болаларга тааллуқлигидир. Шунга кўра, 1959 йилги «Умумжа-

ҳон болалар ҳуқуқи декларацияси», 1974 йилги Фавқулодда ва уруш ҳолатларида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш бўйича декларация, 1989 йилги Бола ҳуқуқлари Конвенцияси шу соҳадаги муҳим ҳужжатлардир. Ушбу ҳужжатлар бола ҳуқуқларини тўла таъминлашнинг кафолати бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир бола эркин ва дахлсиз бўлиб, оилда тўқис шароит яратилган тақдирда ота-онаси билан яшашга ҳақли. Ўз дунёқарашини кенгайтириш мақса-лида маъмулот тўпла-ши, бошқа шахслар билан алоқа ўрнати-ши, уюшмаларга аъзо бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республи-каси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишининг ҳаётга таъбиқ этили-ши фуқароларнинг, шу жумладан ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Янги асрнинг илк йили «Она ва бола»

йили деб эълон қилиниши болажонларга, ўсиб кела-ётган ёш авлодга бўлган юксак ишонч ва сўнам умид-нинг далолатидир. Чунончи, «Бола ҳуқуқлари тўғри-сида»ги Конвенция давлатимизнинг ана шу йўлда олиб бораётган саяёҳ-ҳаракатларининг ёрқин наму-наси ҳамдир.

Ногирон, етим болалар ҳам албатта назардан чет-да қолмасликлари керак. Улар ҳам жамиятда ўз ўрин-ларига эга бўлишлари, руҳан эзилмасликлари учун шарга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши лозим.

Жамият тараққиёти, истиқлоли, истиқболи, юрт-нинг ривожланиши биринчи ўринда келажақ авлод маънавияти ва тарбиясига боғлиқлигини ҳис этиб, ўз масъулиятимизни ёддан чиқариб қўймаслигимиз ке-рак. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «...ички қувватнинг тўлиқ юзга чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса

Шарқ дурдоналари



- Уч нарса ақлга куч беради: олимлар билан суҳбат, тажриба ва сабот. Уч нарса ақлга зарар келтиради: тadbирсизлик, хафсализм ва шошқалоқлик.
- Вақти келганда баъзи нарсалар учун жонни фидо қилиш мумкин. Аммо номусни ҳеч нарсага фидо қилиш мумкин эмас, чунки номус жондан ҳам қимматлидир.
- Сўз дорига ўхшашдир, ортиқчаси зарар келтиради.
- Яхшилар яхшисини ажрата олиш хунар эмас, аммо ёмонлар яхшисини ажрата олиш хунардир.
- Бахт-саодатни изласангиз топа олмайсиз, зиммангиздаги инсоний вазифаларни адо этинг — бахтинг ўзи келади.
- Фазилат фарзанд кабирдир. Уни авайлаб сақлаш ва янада баркамол этиш лозим.
- Тарбиянинг икки асоси бор: фазилатни кўриқлайдиган гўзал ахлоқ ва ярамас йўлдан, ёмон ахлоқга тушишдан сақлайдиган хушёрлик.
- Донолардан ўрганиш ва ўрганган нарсаларни бошқаларга ўргатиш, энг буюк инсоний белгилардандир.
- Лукмони Ҳаким ўз ўғлига шундай насиҳат қилди:
 - Ўғлим, нодон ва жоҳил бир киши сен билан бирор масала устида баҳслашиб қолса, сен унга мулойимлик билан жавоб бер. Агар у сенинг жавобингдан қаноатланмай, жаҳли чиқа бошласа, сўзингни яна қайтариб айтма, у билан олишиб ўтирма, сукут қил.
- **Сўзинг нафъ этмаса, қилма иода!**
- **Бўлур айтган саринг жаҳли зиёда.**
- Бир донишманддан сўрадилар:
 - Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чиқдинг.
 Донишманд шундай жавоб берди:
 - Билмаган, тушунмаган нарсани олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам, кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмай, номус қилмадим, ўзимни юқори тутиб, мутақаббир бўлмадим.
- **Уялма маърифатни ўрганурдан, Танур жойинг бўлур, қолсанг танирдан.**
- Дўст — муҳтожликда, ёр — меҳнат чоғида билинади. Бир донишманддан: «Қанча дўстинг бор?» деб сўрадилар. Донишманд шундай деб жавоб берди:
 - Қанча дўстим борлигини билмайман. Ҳозир турмушим яхши, умрим фаровонлик билан кечиб турибди. Шунинг учун ҳамма менга хушомад қилиб, ўзларининг дўст эканликларини билдириб турибдилар. Мабодо давлатим кўлдан кетса, у чоқда қанча салимий дўстим борлигини билиб оламан.
 - Бир донишманд шундай деди:
 - Истироҳат ва уйкуга майл қилмасдан илгари шу уч нарсани эсингизга туширинг. Аввало, бугун сиздан бирор хато иш ўтди-ми, йўқми? Агар ўтган бўлса, қандай тadbир билан тузатиш мумкин? Шуни ўйланг.
 - Иккинчидан, бугун халқ манфаати йўлида бирорта хайрли иш қилдингизми, йўқми? Шунинг андишасини қилинг.
 - Учинчидан, эсланг, бепарволигингиз ва ишга совуққонлигингиз туфайли қайси ишингиз амалга ошмай қолди?

Иода — такрорлаш, қайтариб айтиш.

2004 йил давомида қўтғамиз бўйлаб турли даражада юзга яқин сайловлар ўтказилиши режалаштирилган. Бу сайловларда юз миллионлаб одамлар иштирок этишади, сайлов натижаларига кўра, мамлакатларда турли сиёсий ўғаришлар юз бериши кутилмоқда.

Янги йилнинг сайловлар йили деб аталишида Ўзбекистонда ўтадиган парламент сайловлари ҳам муҳим ўрин эгаллаши табиий. Мамлакатимиз ҳаётидаги бу муҳим воқеа йил охирига белгиланган. Қўтғамизнинг бошқа давлатларида йил давомида ўтадиган сайловларнинг тахлили куйдагиларни кўрсатди.

Жаҳон миқёсида етакчи мамлакатлар сирасига кирувчи Япония парламентининг юқори палатасига ёзда сайлов ўтказиш режалаштирилган. Сайлов мамлакат сиёсий ҳаётида катта аҳамият касб этгани билан унинг натижалари мамлакат Бош вазирни Жуничиро Коидзумининг лавозимига ва у бошқараётган коалиция ҳукумати таъсир ўтказмайдми. Бош вазир ўтган йил ноябрь ойида Япония парламентининг навбатдан ташқари сессиясида 479 депутатнинг 281 нафари томонидан маъқулланиб, ўз лавозимига қайта сайланган.

Аҳолисининг сонига кўра дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турган Ҳиндистонда ҳам янги йилнинг сентябрь ойида парламент сайловлари ўтказилиши мўлжалланаяпти. 79 ёшли Бош вазир Атал Бихари Ваджапай сайлов ўтадиган санга ўзгартириш киритиш истагини билдирмоқда. Бу сайловларда тахминларга кўра 600 миллиондан ортиқ фуқаро иштирок этади.

Ҳиндистон сиёсати бугунга келиб анча жиҳдий кўришни олган. Мамлакатда фаолият кўрсатаётган 17та партия икки палатали парламентдаги ўринлар учун кураш олиб боришади. Сайловда пойғасида ҳозирча жаноб Ваджапайнинг миллий "БЖП" (Бхартия Жаната Партия) партияси етакчилик қилаётган бўлса-да, парламент сайловларида узоқ йиллар мамлакатни бошқарган Миллий Конгресс ҳам муваффақият қозонишни мўлжаллаб турибди. Икки палатали парламент тизимининг юқори ва қуйи палаталарини англатувчи "Ражия сабха" ва "Лок сабха"даги ўринлар учун курашда Бош вазирнинг Покистондаги "Минтақавий ҳамкорлик бўйича Жанубий Осиё уюшмаси йиғилиши"да иштирок этгани ва мамлакат президенти Парвез Мушарраф билан учрашиб, Қашмир муаммоси хусусида музокара бошлагани етакчи

"БЖП" партияси учун сайловда қўл келиши тахмин қилинмоқда.

20 март кuni 23 миллионлик Тайван аҳолиси мамлакат президентлиги сайловига қатнашади.

Гарчи мамлакат 1949 йили фуқаролар уруши тугаши билан Хитойдан бўлиниб чиққан бўлса-да, БМТда ўз ўрнига эга эмас. Расмий Хитой Тайван оролини ўз ҳудуди деб ҳисоблайди. Агар амалдаги президент Чен Шуйбян ўз лавозимига қайта сайланадиган бўлса,

кузатувчилар қизиқиш билан қарашмоқда.

2004 йилни янги конституция билан бошлаган янги Афғонистон мамлакатиде июнь ойида биринчи марта президентлик сайлови ўтказилади. Тахминларга кўра, унда кучли президентлик давлати тарафдори деб эътироф этилаётган Ҳамид Карзай яна галаба қозонади. Аммо йил охирига режалаштирилган икки палатали "Лоя Жирга" сайловлари чинакам ўзгаришларга бой бўлиши мумкин.

Тарихда бирон маротаба тинч йул билан умумхалқ сайлови ўтказмаган Индонезия ҳам сайловга тайёргарлик ишларини авж олтирган. Йил охирида ўтадиган мамлакат президентлиги учун сайлов натижасидан ҳам кўра, хафсизлик чораларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Бу сайлов натижасида амалдаги президент, миллат асосининг қизи Мегавати Сукарнопутрининг уч йиллик фаолиятига баҳо берилади. 2002 йил 200дан ортиқ одамнинг ўлимига сабабчи бўлган Бали фожеаси ўз берди. Унинг натижасида асосан сайёҳликдан даромад кўрадиган мамлакат иқтисодиёти зарар кўрди. Сўнгги йилларда мамлакатда коррупция анча ривожланди. Шундай мураккабликларга қарамай, Сукарнопутри галаба қозонишга умид билдирмоқда. Давоғарлар орасида кекса генераллар, ислом сиёсатшунослари, президентнинг икки синглиси ва ҳатто 1998 йил ҳукумати бой берган собиқ диктатор Сухартонинг қизи ҳам бор.

10 май кuni Филиппинда ўтадиган президент сайловларида амалдаги Президент Глория Макапагал Арройо хонимнинг галабасига кўпчилик шубҳаланмаяпти. Унинг расмий Вашингтон билан илиқ муносабати ва АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватлагани ҳамда мамлакатда ўлим жазосини қайта жорий қилинган президентликка даввоғарларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Номзодлар орасида кино юлдузлари Жозеф Эстрада ва Фернандо Пое ҳам бор. Бу сайловда номзодларнинг сиёсий режалари эмас, балки халқ орасида машҳурлиги кўпроқ эътиборга олиниши мумкин.

Бу йил, шунингдек, Малайзия, Шри Ланка ва Гонконг мамлакатларида ҳам турли сайловлар бўлиши режалаштирилган.

Авазбек БЕРДИКУЛОВ,
"Жаҳон" АА шарҳловчиси

2004 ЙИЛ — САЙЛОВЛАР ЙИЛИ

Мунажжимларнинг тақвимида кўра, 2004 йил "Маймун йили" бўлса, сиёсий тақвим билан уни "Сайловлар йили" деб аташ мумкин. Бу йил айниқса, жадал ривожланиб бораётган Осиё китъаси учун алоҳида аҳамият касб этади.

у мамлакат конституциясини қайта ёзиш ва Хитойдан мустақил давлат сифатида ажралиб чиқиш мақсадида умумхалқ референдуми ўтказишни мўлжаллаб қўйган. Аммо бунга расмий Хитой кескин қаршилиқ қилмоқда ва қарши чоралар қўллаши мумкинлигини билдирган. АҚШ расмийлари бу муносабат ҳарбий агрессия даражасига чиқмаслигига умид билдиришмоқда. Агар президентлик сайловларида Миллий партия раҳбари Лиен Чан галаба қозонадиган бўлса, Хитой билан муносабатлар ҳозирги вазиятда сақланиб қолиши тахмин қилинмоқда.

Шу йилнинг 15 апрелида Жанубий Корея ҳам мамлакат парламентига сайловлар ўтказишни билдирган. Бу сайлов янги президент Ро Му Хен учун ҳам муҳим. Мамлакат раҳбари фаолиятининг бир йиллигини нишонламай туриб, ноқулай аҳволга тушиб қолиши мумкин. Агар сайловлар парламентнинг буткул янгилинишига сабаб бўлса, президент Ро учун бу қимматга тушади. Чунки даввоғар партиялар депутатлари орасида уни ноқонуний сайлов натижасида ҳукуматга келган деб айбалаётганлар ҳам бор. Парламентга ўтадиган сайловлар мамлакат фуқароларининг бугунги кундаги иккита муҳим масалага, яъни Жанубий Корея ҳарбийларининг Ироқдаги барқарорлиқни таъминлаш ҳаракатларида иштирок этгани ва расмийларнинг Шимолий Кореяга билдираётган муносабатига ҳамбарчас боғлиқ.

"Сайловлар йили"да қўшни Қозоғистонда ҳам тўққиз партия иштирокида ўтадиган сайловда янги "Асар" партиясига

Травматология ва ортопедия институти меҳнат жамоаси бугунги кунда даволашнинг илгор усулларини амалиётда татбиқ қилмоқда.

ВЕРТЕБРОЛОГИЯ КЛИНИКАСИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус қарори асосида 1999 йилда махсус институт қошида вертебрология клиникаси ташкил этилган эди. Бу ерда умуртқа поғонаси патологиялари, унинг шикастланиши асоратларини даволаш бўйича малакали хизмат кўрсатади.

— Ҳар йили саккиз юз нафар беморга замонавий тиббий хизмат кўрсатамиз, — деди клиника раҳбари Шоҳайдар Шотурсунов. — Шундан бир юз элликтасида жаррохлик усулидан фойдаланилади. Ҳозирги пайтда мутахассисларимиз олдида иккита долзарб муаммо бор. Биринчиси умуртқа поғонаси жароҳатланган касалларга тез, шоклини ёрдам кўрсатиш бўлса, иккинчиси умуртқа поғонаси остеохондроз касаллиги оқибатида умуртқа поғонаси чуррасини даволашдир. Чунки бу касаллик кундан-кунга кўпаймоқда. Умуртқа поғонасининг бўйин, кўкрак ва бел қисми жароҳатлари ва унинг асоратларини даволашда чет

эл технологиялари асосида жаррохлик муолажалари ўтказилмоқда. Касаллиқни аниқлашда компьютер томографиясини қўллаш кенг йўлга қўйилди.

Ш.Шотурсуновнинг таъкидлашича, беморларни тигиз даволашда умуртқа поғонаси каналига тўғридан-тўғри дори юбориш, умуртқа поғонаси бел соҳаси касалликларини ортопедик усулда муолажа қилиш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шикастланган умуртқа поғонасини жаррохлик йўли билан даволаш тўғрисида беморлар фаол ҳаётга қайтарилмоқда. Умуртқа поғонаси касалликлари бўйича изланиш олиб бораётган институт мутахассислари даволашнинг янги усулларини яратиб, ўз фаолиятларида татбиқ этмоқдалар. Йигирма олти нафар беморга мўлжалланган махсус клиникага нафақат республикамиз, балки қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон давлатлари фуқаролари ҳам муружаат қилмоқда.

ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

"Ўзбекистонда ҳамширалик таълимини такомиллаштириш" лойиҳасини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга Япония халқроҳ ҳамкорлик агентлиги (JICA) нинг махсус эксперт гуруҳи ташриф буюрди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида махсус гуруҳ раҳбари Томоко Кусама хоним ва Соғлиқни сақлаш вазир Феруз Назиров ўртасида учрашув битими имзоланди.

Ўзбекистон Президентининг Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳақидаги фармонида асосан, 1999 йилда барча тиббиёт олий ўқув ва билим юртларида олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш бўйича махсус факультетлар ташкил қилинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан республикамизда ҳамширалик таълимини такомиллаштириш бўйича, JICA экспертлари ва Ўзбекистон ҳамширалари уюшмаси ҳамкорлигида кўпгина семинарлар ўтказилди. Шу мақсадда мамлакатимизга ҳамширалик

иши ва тиббиёт фани бўйича ИТО университети ректори Томоко Кусама бошчилигида Япония делегацияси ташриф буюрди. Икки ҳафта давомида меҳмонлар тиббиёт коллежларининг клиник базалари, биринчи ва иккинчи ТошТИ клиникалари, Шошилиқ тиббий ёрдам маркази, Бухоро ва Урганч тиббиёт институтлари иши билан танишади ҳамда "Ўзбекистонда ҳамширалик ишини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида семинарлар ўтказилади.

А.А.ФАФОРОВ,
"Туркистон-пресс"

Ажойиботлар

БОШ
СОВРИН—КЕЛИН

Бангладешлик Сахера Катун ўз дил розилигини икки ошиғидан қай бирига беришни билмай кўп тунларни беҳаловат ўтказарди. Сира битта қарорга кела олмасди, нима қилсин, бечора!

Охири ошиқи бечораларнинг тоқати тоқ бўлиб, ўз толарини синаб кўришга аҳд қилишди, йигитчалар аввало қизнинг розилиги билан, шунингдек, ота-оналари ва бутун қишлоқ аҳли гувоҳлигида кураш майдонига тушишди. Қисқа беллашувдан сўнг 25 ёшли Мухаммад Рафӣқ ўзидан анча ёш бўлган рақибини осонгина мағлуб этди. Энг асосийси — ошиқнинг талабаси бутун қишлоқ аҳли томонидан «халол» деб тан олинди. Ниҳоят, тўй вақти белгиланиб, тайёргарлик ҳам бошлаб юборилди.

Ха, «жон чекмасанг, жонона қайда»!

КАЙНОҚ ЙИГИТЧА

30 даражали қаҳратонда кўйлакчан юрган ўсмирни кўриб, ўткинчилар баданига совуқ чумолилар ўрмалагандек сесканишади. Йигитчанинг эса нафақат кийими, балки кўнгли ҳам «ёздагидек».

Татаристоннинг Қозон шаҳридаги гимназия ўқувчиси Борис Чевело ўзини ҳеч қандай «супер», яъни гайриоддий одам деб ҳисобламайди. Фақатгина совуқни сезмайди, холос. Онасининг қойиши билан гоҳида майта ҳам қияди. Гимназияга эса интизомни бўзмаслик учун белгиланган «форма»да боришга мажбур. Ота-она хавотирланиб «Аёзбой» ўлими мутахассисларга кўрсатишларидан натижа чиқмади. Борисда ҳеч қандай гайриоддий хусусият топилмади. Йигитчадаги совуққа чидамлик хусусияти наслий мерос бўлса керак — унинг бобоси ҳам аёзни «тан олмас» экан. Нима бўлганда ҳам гаройиб гимназиячи милиция ходимларининг тез-тез «тинчи бузилиши»га сабабчи бўлмоқда. Тартиб посбонлари уни бир неча марта кўча безорилари тунаган жабранувчи, деган шубҳа билан ҳибсга олишди.

БЕГУНОХ
ҚУРБОНЛАР

Битта қурбаканинг очо-фатлиги... 67 та қурбақа ҳаётига фожеали яқун ясади. Ҳиндистоннинг Акануза шаҳарчасида яшовчи бадавлат хоним хилват кўл соҳилига кийимлари билан бирга олтин занжирини ҳам ечиб қолдиргач, қўмилмоққа бошлади. Бир пайт сувдан чиқиб қарасаки, олтин тақинчоқнинг бир учи каттақон кўк қурбаканинг оғзида осилиб турарди. Бадбуруш «ўғри» охири бир ҳаракат билан занжирини ютиб юборди-да, бир сакраб, сувга шўнғиди.

Айлининг ваҳимали чинқирғини эшитиб, юзлаб одамлар югуриб келишди. Воқеани англаган, улар «ўғри» ғойиб бўлган кўл соҳилини қаричма-қарич «тинтувдан» ўтказга бошладилар. Турган гапки, тугилган барча қурбақалар пешма-пеш чавақланиб, текширилди. Ниҳоят, 68-қурбонлик «олтин» бўлиб чиқди. Шундай қилиб, 16 граммлик олтин занжир эгасига қайтарилди.

Меҳр ва мурувват йиллида жойларда кўплаб саховатга йўғрилган хайрия тадбирлари ўтказилмоқда, эъзоз ва мурувватга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олинмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалласи билан биргаликда маҳалла ҳудудидаги 22-сонли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда маҳалланинг қатор кекса инсонлари учун хайрия тадбири ўтказди.

2004—Меҳр ва мурувват йили

МАҲАЛЛАДА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Тадбирни Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов кириш сўзи билан очар экан, юртимизда амалга оширилаётган барча жараёнлар ўз мевасини бераётганини, Республикамиз дунё давлатлари назарига тушгани ва эътиборини ўзига жалб қилаётганини, қадриятларимиз тикланиб эъзозланаётгани, мамлакатимиз юксалиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлганини қайд этди. Шу боисдан юртимизда эришилаётган ҳар бир ютуқдан қувонимиз, шундай бой тарихга эга бўлган халқ фарзандли эканимиздан фархланишимиз кераклигини алоҳида таъкидлаб, Юртбошимиз томонидан 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши замирида улкан мазмун-моҳият мавжудлигини, меҳр-мурувват деганда, аввало, ҳамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар, етим-есирлар, бева-бечоралар, кексаларга нафақат моддий, балки маънавий ёрдам кўрсатиш тушунилиши, давлатимиз раҳбарияти ва маҳаллаларимиз томонидан кекса ва ёрдамга муҳтож кишилар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига домий эътибор берилаётганига алоҳида урғу бериб барча тадбир



лайди. Доимо ўзгариб турувчи иқтисодий ҳолат ва бозор конъюктураси корхоналардан ўзгаришларга тез акс таъсир кўрсатишини ва барча тез сегмент истеъмолчиларининг эҳти

қатнашчиларини кириб келган Янги йил билан қутлади.

Маҳалла оқсоқоли, «Новза» масжиди имом-хатиби, меҳрибонлик уйи раҳбари ва тадбирда иштирок этаётган бошқа кишилар ҳам ўз табрик ва миннатдорчиликларини билдирдилар. Севимли хонанда Озодбек Назарбеков ўзининг дилтортар куйи ва қўшиқлари билан йиғилганлар кўнглини хушнуд этди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совғалар топширилди. Шунингдек, тадбир сўнгида маҳалладаги 8 нафар ётиб қолган беморларнинг ҳолидан хабар олинди.

(Ўз мухбиримиз)

Машиин

КАФЕДРАДА
КОМПЬЮТЕР
СИНФИ

Тиббиёт олий ўқув юртларида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш жараёнида қатор педагогик технологиялар юзга келди. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтига қўлланилаётган бундай илғор тажрибалар самарали бўлмоқда.

Олий ўқув юртининг патологик анатомия кафедрасида компьютер синфининг очилиши ҳам айна муддао бўлди. Бу эса мазкур фанни ўқитишга оид маъруза ва амалий машғулотларнинг электрон талқинидан унумли фойдаланиш имконини берди.

Эндиликда патологик анатомияга доир билимларни талабалар компьютер қурилмалари орқали пухта ўзлаштирмоқдалар.

Ақбар АЛИЕВ

ЮҚОРИ ТОИФАЛИ
СЕРТИФИКАТГА ЭГА
БЎЛДИ

Бритиш Американ Табако Ўзбекистон компанияси («ЎзБАТ АЖ» ҚҚ) «Оливер Вайт» халқаро аудиторлик ташкилоти номидан бизнесни бошқариш соҳасида улкан ютуқларни тасдиқловчи MRP II халқаро стандарти (инглизча Manufacturing Resource Planning— Корхона ресурсларини режалаштириш) бўйича «А» тоифадаги сертификатини олди.

Шуни айтиш керакки, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида инвесторнинг аҳамияти ва ўрни кўпгина кўрсаткичлар билан белгиланади: бунга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ҳам, вужудга келтирилган ишчи ўринлари миқдори ҳам, бюджетга тўловлар суммаси ҳам киради. Булар қаторида гарб менежменти стандартларини жорий қилиш, халқаро сифат стандартларини таъминлаш алоҳида ўринини эгал

ейларини тўла қаноатлантириш учун янада тезкор қарорлар қабул қилишни талаб этади. Жуда тезкор ривожланаётган жаҳон иқтисодий муносабатлари шуни кўрсатдики, бизнесда муваффақият корхонанинг ички ва ташқи самардорлиги билан таъминланади.

Ўз ривожда етуқликка эришаётган ва ўз рақобатбардошлигини кўтаришга интилаётган Бритиш Американ Табако Ўзбекистон бошқа илғор корхоналар қатори ўзининг ички фаолиятини бир хиллаштиришга ҳаракат қилиб, шу тарзда янада мураккаб вази

юқори мақсадларга эришиш учун зарурий асос яратмоқда.

Фаолиятини стандартлаштириш учун БАТ Ўзбекистон жаҳон миқёсидаги компанияларнинг илғор тажрибасига таянади. Бун

тоифа (жаҳон тоифаси) даражасида баҳоланди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳоннинг 180 мамлакатларида ишловчи Бритиш Американ Табако компаниялари гуруҳида бундай даражага фақат бир нечтагина компания сазовор бўлган.

Республикамиз қарайдиган Европа минтақасида эса «ЎзБАТ АЖ» қўшма корхонаси бундай юқори даражага эришган ягона компания ҳисобланади.

Бритиш Американ Табако Ўзбекистон миллий иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшаётган инвестор сифатида MRP II операция бошқаришнинг асосий тамойилидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш соҳасида жаҳон миқёсида чиқишга ишончли равишда интиломоқда. Мазкур MRP II стандартининг ўзига хос хусусиятлари маркетинг, сотувлар роилининг ошганлиги, маҳсулотнинг ўсиши ҳамда ижрочилар — корхона ходимларининг ўрнидан иборат.

MRP II стандартининг қўлланилиши корхонага стратегик режалаштиришни операция режалаштириш билан бириктиришга ва корхонанинг таъминот, ишлаб чиқариш, маркетинг, сотувлар ва дистрибуция, режалаштириш, маҳсулотни ривожлантириш ҳамда молиявий назорат бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришга имкон берди.

(Ўз мухбиримиз)

Спорт

ҒАЛАБА БИЛАН
БОШЛАШДИ

Бокс бўйича Филиппинда ўтказиладиган Осиё чемпионатида энг кучли чарм қўқоп усталаримиз жўнаб кетишгани ҳусусида аввал хабар бергандик.

Ўтган кунни Пуэрто-Принсес шаҳрида чемпионатнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтганидан сўнг дастлабки беллашувлар бошланди. Биринчи кун ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечди. Жумладан, 48 килограммга вазида Отабек Мамажонов ва 81 килограммга бўлган чарм қўқоп усталари баҳсида Дилшод Маҳмудовлар ўз рақибларини чиройли тарзда енгган ҳолда кейинги босқичга йўлланма олишди.

ГИЛАМДА —
ЭРКИН
КУРАШЧИЛАР

Шахримиздаги «Динамо» спорт клубида эркин кураш бўйича Тошкент шаҳар очик биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди.

Турнирда пойтахтлик спортчилардан ташқари Тошкент вилояти ва Фарғона шаҳридан келган кураш усталари ҳам гиламга тушишди. Мухлислар жами 300 га яқин спортчилар иштирокидаги баҳсларнинг шохиди бўлишди.

Чемпионат натижаларига кўра асосан Тошкентнинг «Динамо», «Ёшлик» клублари, пойтахт вилоятининг «Келес» ва «Назарбек» жамоалари аъзолари ғолиб ва совриндорлар сафларидан ўрин олишди.

ЁШ БАДМИНТОН-
ЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

110-мактабда ёшларнинг сеvimли спорт тури — бадминтон бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Мусобақалар Республика Олий спорт маҳорати мактаби, 21-мехрибонлик уйи тарбияланувчилари, шунингдек, Тошкент, Андижон шаҳарларининг ёш бадминтон усталари иштирокида қизиқарли беллашувларга бой тарзда ўтди.

Ниҳоят, мусобақанинг бешинчи кунги ғолиблар маълум бўлди. Жумладан, якка беллашувларда Данил Холопийский, Комила Каримова, жуфтликлар ўртасида Темур Каримов ва Александр Давидов, Комила Каримова ҳамда Татьяна Конила каби бадминтончилар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Аралаш беллашувларда эса Улуғбек Ҳожиёев ва Татьяна Конила рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган ҳолда ғолиб чиқдилар.

Мусобақа сўнггида ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

МАВСУМ ОЧИЛИШИГА
БАҒИШЛАНДИ

Республика техник ва амалий спорт турлари марказида ҳар йили ўтказилиши анъанага айланиб бораётган Оммавий ватанпарварлик ойлиги ва спортнинг техник ва амалий турлари бўйича 2004 йилги мусобақалар мавсумининг очилиши, шунингдек Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи доирасидаги тадбирлар ҳамда спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ўтказилиши мўлжалланган бу йилги мусобақалар «Супер мотокросс» бўйича мотопойга билан бошланди. Мотопойгада Тошкент шаҳридаги «Супер мотокросс» клуби спортчилари ҳамда Навоий, Жиззах, Тошкент вилоятларидан таклиф этилган мотопойгачилар иштирок этишди. Супер мотокросс бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпионати ғолиблари ҳамда Республика совриндорлари бўлган спортчилар ўртасидаги ғалаба учун ўзаро кураш қизиқарли ва шиддатли кечди. Мотопойгада «ЧЗ» русумли мотоцикллар пойгаси бўйича биринчи ўрин Родион Спесивцевга, иккинчи ўрин Игорь Сичевга, учинчи ўрин

Александр Кондрашевга натижа этган бўлса, 500 куб/сантиметр ҳажмдаги двигатели мотоцикллар пойгасида биринчи ўринни Евгений Зоднов, иккинчи ўринни Андрей Сазонов, учинчи ўринни Алексей Зодновлар эгаллашди.

2004 йилги «Супер мотокросс» бўйича бўладиган Ўзбекистон чемпионати тўрт босқичда республикамизнинг турли жойларида ўтказилади. Яъни, мотопойгалар февраль ойда Сурхондарё вилоятининг Жаркўрган шаҳрида, мартда Жиззахда, апрелда Навоийда, май ойда эса Олмалиқ шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган. Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича республика миқёсида ва жойларда бўлиб ўтадиган мусобақалар, тўғаракларга ўсмир ва ёшларни кенг жалб этиш Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпар-



вар» ташкилоти фаолиятининг диққат марказида эканлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу мақсадда шу кун мотопойга ғолиблари аниқланганидан сўнг ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва спорт тадбирларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича журналистлар билан «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбар ходимларининг семинар-тренинги бўлиб ўтди.

Семинар-тренингни олиб борган Республика Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Абдулазиз Абдурахмонов спортнинг техник ва амалий

турлари бўйича Республиканинг турли жойларида ўтказиладиган мусобақаларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши ёшларни спортнинг бу турларига янада кенгрок жалб этишнинг кафолати эканлигини қайд этди.

Семинар-тренингда иштирок этган журналистлар спорт тадбирларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Соҳиба УМАРОВА
СУРАТЛАРДА:
«Супер мотокросс»
мусобақасидан
лавҳалар

ТАБИАТГА МУҲАББАТ
УЙҒОТИЛМОҚДА

Бугунги кунда ёшларимиз табии муҳофаза қилиш, ўсимликларга нисбатан қизиқиш уйғотишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги 136-мактабдан «Воекосап» Республика ёшлари услубий мажмуиси қошидаги «Гулчилик», «Экология ва саломатлик» тўғаракларига 70 дан ортиқ ўқувчилар жалб қилинган.

Тўғарак аъзолари табии асраш, гулларнинг турлари, уларнинг келиб чиқиш тарихи, ноб турларини кўпайтириш ва муҳофаза қилишни ўрганмоқдалар.

Ҳозирги кунда экологиянинг бузилиши инсон саломатлигига етказётган асоратларни ўрганиб, унинг олдини олиш, она-табиатимизнинг гўзаллигини шу ҳолича келгуси авлодга етказиш кераклигини ўқувчиларга тўғарак машғулотларида тушунириб боришмоқда.

Шунингдек гулларнинг ҳар бир ниҳолини авайлаб меҳр қўйиб ўстириш, турларини кўпайтириш, ўсимликлар биз учун зарур бўлган ҳавони тозалаб беришини ўқувчилар онгига синдириб борилаётганлиги аниққас диққатга сазовордир.

Тўғарак раҳбарлари ўқувчиларнинг дарсдан кейин бўш вақтларини фойдали ишларга жалб этишда алоҳида аҳамият беришмоқда.

Дилбар РАҲМОНОВА

Қаҳқаҳа

Катта базмда таниқли хонанда микрофон олдида келиб, икки сатр шеър ўқиди:

Аҳл ёр бўлсайди тархи ишқ ёр этмасмидим.

Ихтиёр бўлсайди роҳат ихтиёр этмасмидим.

Хазрат Алишер Навоий!

Сўнг шу қўшиқ ижро этилди. Қўшиқни айтиб бўлгандан кейин сўрига келиб ўтирган хонандадан шогирдларидан бири сўради:

— Кечирасиз, устоз, негадир Фузулий газалини ҳазрат Навоийники деб эълон қилдингиз?

— Фузулий ва Навоийларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки улар ёшлигида чойхоналарда бирга ош еб катта бўлишган.

Наманганликлар қатиқ ичишни, тошкентликлар мошли оқват истеъмол қилишни хуш кўрадилар. Шунинг учун ҳам халқ орасида наманганликлар «қатиқхўрлар», тошкентликларга «мошваҳурлар» деган ибора «ёпиштирилган».

Тошкентлик меҳмон Наманганнинг катта бозоридида юриб, шу ерлик ҳазилкаш дўстини учратиш қолди. Меҳмон дўстининг жигига тегиш учун гап бошлади:

— Қатиқ ичгим келиб икки соатдан бери кидириб топа олмаёйман, қатиқ

бозори қаерда?

— Етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма билладиган шундай мош бозорининг ёнида-да.

Амри-маъруф ниҳоясига етган, тингловчилардан бири домлага савол берди.

— Ният билдирганда қафларингизни бирлаштирмай, очик тутган ҳолда юзингизни силадингиз. Бундай ҳолатда фотиҳа тўкилиб кетмайдими?

— Хотиржам бўлинг, бўтам тўкилмайди. Чунки, фотиҳа деган нарса сизга ўхшаган «суюк» эмас!



Сўзсиз сурат.
Абдурасул Ҳакимов чизган расм.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъбиқ, офсет усулида босилади.
3576 нусxada босилади. Қўғиш бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бўшқармасида 1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилиб ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбоба акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.